

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ФРОНТ ОРТИ БОШ БОШҚАРМАСИ ФРОНТ ОРТИ ТАЪМИНОТИ ТУРЛАРИ
БОШҚАРМАСИ

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТОПШИРИҚ

РЕФЕРАТ

Мавзу: «Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги қўшинларида ёқилги сифатини назорат қилиш»

Ўқув саволлари:

- 1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги қўшинларида ёқилги сифати назоратини ташиқил қилиш ва назоратни амалга ошириш.*
- 2. Ёқилгини сақлашда, юклаш, қабул қилишда, тарқатишда ёқилги сифатини назорат қилиш. Ёқилги намунасини олиш.*

Бажарувчи: ФОББ ФОТТБ ёқилги таъминоти бўлими катта офицери
майор Б. Мухтаров

Тошкент шаҳри @ 2014 йил.

Кириш

Ёнилғи мойлаш маҳсулотларини (кейинги матнларда ёнилғи) сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги кўшинларида ҳарбий техникалардан узоқ муддат давомида, соз ва халокатсиз фойдаланишни таъминлаб берувчи асосий омилларидан биридир.

Ёнилғи назорати ҳарбий техникаларда давлат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган нефть маҳсулотлардан фойдаланишни олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Бу асосий вазифаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларида ёнилғи сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 5 январь 2010 йилдаги 15-сонли буйруғи билан кучга киритилган “Ёқилғи сифатини назорат қилиш Йўриқномаси” билан амалга оширилади.

Мудофаа вазирлиги кўшинларида ёқилғи сифати назоратини ташкил қилиш ва назоратни амалга ошириш.

Ёқилғи сифатини назорат қилиш йўриқномасини талабига асосан мудофаа вазирлиги кўшинларида қуюдаги шахслар ёнилғи сифатини назоратига маъсулдир:

сифат назоратини ҳолатига, ёнилғиларни ўз вақтида янгилаш ва алмаштириш ишларини ташкиллаштиришга:

-Ўзбекистон Республикаси МВ кўшинларида – ЎР МВ ФОББ кўшинлар фронт орти турлари таъминоти бошқармасининг ёнилғи таъминоти бўлими бошлиғи ва Химмотология маркази бошлиғи жавоб беради;

-ҳарбий округларда – округ ёнилғи хизмати бошлиғи;

-ҳарбий қисм, ўқув муассасаларида ва ташкилотларида- ёнилғи хизмати бошлиғи ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс;

бўлинмаларда - бўлинма командири;

-худудий ёнилғи таъминоти марказларида (кейинги матнларда ХЁТМ) – марказ ва лаборатория бошлиғи,

ёнилғи сифати бузилганлиги, уни ҳарбий техникада мақсадга номувофиқ ишлатилганлиги учун:

-ҳарбий қисм, ўқув муассасаларида ва ташкилотларида- ёнилғи хизмати бошлиғи ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс.

-бўлинмаларда – қисм командирининг буйруғига асосан бириктирилган ҳарбий техниканинг хайдовчиси;

-ХЁТМ – тиниқ ва қора нефть маҳсулотлари сақлаш бўлимларининг бошлиқлари,

Ёнилғи сифати назоратига қуйидаги тадбирлар қиради:

-илмий-тадқиқот ва синов ишларини ўтказиш, ёнилғи назоратини ташкиллаштириш бўйича назарий ишларни асосини ишлаб чиқариш;

-ёнилғи назорати бўйича раҳбарий қўлланмаларни ва йўриқномаларни ишлаб чиқариш;

-ёнилғи сифатини уни олиб бориш, резервуарларда, идиш ва машина бакларида сақлаш ва хайдаб бериш, тахлил қилиш вақтида ўзгаришини кузатиш;

-лаборатория ишларига раҳбарлик қилиш;

-баъзи бир сабаблар билан сифати бузилган ёнилғи маҳсулотларини сифатини тиклаш ишларини ташкиллаштириш;

-ёнилғи маҳсулотларини қуйиш, сақлаш, ташиш, тозалаш, техник воситаларини техник ҳолатини назорат қилиш;

-таъминот корхоналаридан келган ёнилғиларни паспортларидаги сифат кўрсаткичлари билан солиштириш йўли билан уларнинг давлат стандарти талабларига мос келишини текшириб кўриш;

-ишлаб чиқариш заводларида ёнилғи сифатини назорат қилиш, уларни қабул қилиб олиш, сақлаш, тарқатиш ва қўшинларда қўлланишида сифатини текшириш;

-ёнилғини сифат ҳолатини ва уни ўз вақтида янгисига алмаштириш ишларини ҳисоботини назорат қилиш;

-лаборантларни ўз вақтида мутахассисликлари бўйича махсус тайёргарликдан ва қайта тайёрлашдан ўтказишни ташкиллаштириш.

Лабораторияда ёнилғини сифатини текшириш қўйидагича амалга оширилади:

-ЎР МВ химмотология марказида ва ХЎТМ лабораторияларида;

-ҳарбий қисмларда — қисм лабораторияларида;

-штат бўйича лабораторияси йўқ ҳарбий қисмларда – ҳарбий округ ёнилғи хизмати бошлиғи топшириғига биноан кўрсатилган лабораторияда;

-нефтни қайта ишлаш заводларида – ЎР МВ ҳарбий вакиллиги томонидан завод лабораторияларида.

ЎР МВ химмотология маркази - ёнилғи сифатини текширишни амалга ошириш билан бирга уни сақлаш, олиб бориш ва қўллаш вақтида уларни ўз вақтида алмаштириш янгилаш ва сифатини тузатиш ишларини ҳам доимий кузатиб боради ва уни амалга оширишда амалий ёрдам беради.

Лабораторияларда ўтказиладиган тахлиллар *назорат, тўлиқ* ва *арбитраж* тахлилларига бўлинади .

Темир йўл, автомобиль цистерналаридан, машиналар бакларидан, резервуарлардан, бошқа ҳарбий қисмлардан қабул қилинган ва сақлашдан кейин бошқа таъминотчиларга жўнатиш олдидан ёнилғини назорат тахлили ўтказиш йўли билан сифати текширилади.

Назорат тахлили келган ёнилғи ҳақиқатдан ҳам юборувчининг хужжатларида кўрсатилган ёнилғи эканлигига ва унинг давлат стандарти талабларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш, сақлаш вақтида эса ёнилғининг сифати бузилишини олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Назорат тахлили ХЎТМ ва х/қисм лабораторияларида ўтказилади.

Тўлиқ тахлилга ёнилғини узоқ муддатга сақлашга қўйишдан олдин ёки унинг ҳақиқий сифатини ва давлат стандарти талабларига жавоб беришини аниқлаш учун ўтказилади.

Тўлиқ тахлилда унинг меъерий ҳужжатларида кўрсатилган физикавий – химиявий сифат кўрсаткичларини текшириш йўли билан аниқланади.

Тўлиқ тахлил - марказий лаборатория ва ХЎТМ лабораториялари ва уни ўтказишга керакли асбоб анжомлар, реактивлар ва тахлилни ўтказишга тажрибаси бор лаборантларга эга ҳарбий қисмларда ўтказилади.

Назорат ва тўлиқ тахлилларни ўтказиш вақтида ёнилғини физика-химиявий сифат кўрсаткичларини аниқлаш ишларини ҳажмини қисқартириш қаттиян ман этилади.

Арбитраж тахлили ёнилғини юклаш ва тушириш вақтида унинг сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари талабларига мос келмаганда, таъминотчи ва истемолчи орасида унинг сифат кўрсаткичларига шубҳа туғилиб аниқ бир тўхтамга келиш мақсадида ёнилғи таъминоти бўлими бошлиғини кўрсатмасига асосан, яъни таъминотчи ва истемолчидан ҳолис учинчи бир лабораторияда ўтказилади.

Арбитраж тахлилида ёнилғини барча сифат кўрсаткичлари бўйича ёки аниқ бир сифат кўрсаткичи бўйича тахлил ўтказилади. Арбитраж тахлили баъзи ҳолатларда фуқаро ташкилотлари лабораторияларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Агарда ёнилғини сифатига шубҳа туғилса, унинг сақлаш муддатидан қатти назар дарҳол текширув ишлари ўтказилиши керак.

Тегинмас захирадаги ёнилғини сифати бузилишини олдини олиш мақсадида уни ўз вақтида янгисига алмаштириб туриш керак.

Йўриқномада кўрсатилган тегинмас ёнилғи захирасини янгилаш режаси, резервуарнинг номерлари, ёнилғининг партиясининг номерлари ва янгилаш муддати кўрсатилган ҳолда қисм командири (ЎХТМ бошлиғи) томонидан тасдиқланади. Ушбу режадан кўчирмалар ёнилғи таъминоти бўлими бошлиғига тақдим этилади.

Агарда тахлил натижалари бўйича ёнилғи сифати давлат стандартлари талабларига мос келмаётганлиги аниқланса уни янгилаш амалга оширилади.

Агарда ёнилғини сақлаш муддати охирига келиб унинг сифат кўрсаткичлари бузилмаган ва сифат захирасига эга бўлса уни сақлаш муддатини узайтурса бўлади ва бу тўғрида ўрнатилган тартибда далолатнома командирнинг буйруғига асосан тайинланган комиссия томонидан тузилади. Далолатномага тахлил натижалари ёзилган сифат паспорти илова қилиниб ёнилғи бошқармасига тақдим этилади.

Ёнилғини сифати давлат стандарти талабларига мос келмаганлиги аниқланса марказий лаборатория бу тўғрисида ёнилғи мойлаш маҳсулотлари таъминоти бўлими бошлиғига ёнилғини сифатини тиклаш ва уни қаерда қўллаш тўғрисидаги таклифларни тақдим қилади.

Ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан, марказий лаборатория томонига ўтказилган тахлилларнинг натижаси бўйича эътироз билдирса бундай ҳолатларда ҳарбий қисм қайтадан тахлил ўтказиш учун ёнилғи намунасини олиб лабораторияга жўнатади.

Қайтадан тахлил натижалари чиққунга қадар ёнилғи ва сақланаётган идишларга тегиш мумкин эмас.

Ёнилғининг сифати бузилиши билан боғлиқ бўлган барча ходисаларни ҳарбий қисм ёки ХЁТМ бошлиғи буйруғига асосан тайинланган хайъат томонидан, ёнилғи хизмати мутахассислари иштирокида суриштирув ишлари ўтказилиб ва унинг натижалари бўйича айбдор шахслар жавобгарликга тортилади.

Хайъат куйидаги ишларларни бажариши керак:

- ёнилғини лабораторияда давлат стандарти талабларига мос келишини барча кўрсаткичлар бўйича Тўлиқ таҳлил билан текшириш;
- уни қандай шароитда сақланаётганини ва сақлаш муддатини аниқлаш;
- ёнилғини сифатини бузилиш сабабини аниқлаш;
- ундан қайси мақсадга мувофиқ қўллаш тўғрисида таклиф киритиш.

Хайъат суриштирув ишлари олиб боради ва ёнилғини сифат ҳолати ўзгарганлиги тўғрисида 13-шакл кўринишидаги далолатнома тузади. Далолатномага моддий жавобгар шахсларнинг тушунтириш хатлари, командирнинг буйруғидан кўчирмани ва таҳлил натижалари кўрсатилган паспортларни нусхаларини илова қилиб далолатномани Ёнилғи таъминоти бўлимига тақдим этади. Ҳисобот даврида ҳарбий қисмнинг таъминот органи юқорида кўрсатилган барча ходисалар бўйича қарор қабул қилиши керак.

Ҳарбий қисмда ёки ЁХТМда сифати давлат стандарт талабларига мос келмаётган ёнилғилар пастги навларига ўтказилиб мақсадга мувофиқ ишлатилиши ёки ЎР МВ ФОББ ФОТТБнинг Ёнилғи таъминоти бўлими бошлиғининг қарорига биноан ўрнатилган тартибда йўқ қилиниши мумкин.

Ёнилғи маҳсулотининг сифатини тиклаш бўйича, Химмотология маркази томонидан берилган таклифга асосан ёнилғи таъминоти бўлими бошлиғи қарор қабул қилади.

Ёнилғи сифатини тиклаш ишлари қисм командири (ХЁТМ бошлиғи) буйруғи билан тайинланган хайъат томонидан амалга оширилиб далолатнома тузилади. Ёнилғи сифатини тиклаш далолатномаси тасдиқланганидан кейин, унинг сифатини тиклаш бўйича ҳисобот ишлари, тўлиқ таҳлил қилинганлиги тўғрисидаги натижалари қайд этилган сифат паспорти илова қилинган ҳолда ЎР МВ ФОББ ФОТТБнинг ёнилғи таъминоти бўлимига тақдим этилади.

Сифати давлат стандарти талабларига мос келишига тикланган нефть маҳсулотлари унинг сифат кўрсаткичлари тўлиқ таҳлил қилинганидан кейин моддий техникаларда қўллашга рухсат этилади.

Паст даражада музлайдиган суюқликлар (антифриз) техникалардан тўкилганидан кейин ҳарбий қисм томонидан ҳудудий ёқилғи таъминоти марказларига топширилади ва паст даражадаги суюқликларни сифатини тиклаш бўйича Йўриқнома асосида 40 ва 65 маркадаги суюқликларни музлаш даражасидаги сифат кўрсаткичига тақдим этилади.

Сифати бузилган ёнилғи маҳсулотларини ҳисоботи, уни сифатини тиклаш, сифат паспортлари ва уларни қўллаш бўйича Химмотология марказининг таклифлари 61800, 24358, 54178 ҳарбий қисмлари ХЁТМ ва ЎР МВ ФОББ ФОТТБнинг ёнилғи таъминоти бўлимида юритилади.

Сифатсиз ёнилғини таъминотчиларга юклаш ва техникаларда ишлатиш маън этилади. Алохида ҳолатларда жорий таъминотдаги ёнилғини техникаларда қўллаш учун тарқатишга рухсат этилади.

Авиация техникасида сифат кўрсаткичлари давлат стандартлари талабларига мос келмаётган нефть маҳсулотларини қўллаш қаттиқ маън этилади.

Худудий ёқилғи таъминоти марказлари ва ҳарбий қисмларга сифатсиз ёнилғи келиб тушган ҳолатларда, марказ (ҳарбий қисм) томонидан таъминотчига йўриқноманинг иловасида кўрсатилган тартибда эътироз ҳужжатлари тайёрланиб уни манзилига жўнатилади.

Сифатсиз ёнилғи маҳсулотини сарфлаш ёки уни сифатини тиклаш ишлари эътироз масалалари хал бўлганидан кейин ёнилғи таъминоти бўлими бошлиғи рухсати билан амалга оширилади.

Ёнилғини сифатини текшириш учун ундан 2517-85 – сонли давлат андозаси талаблари асосида намуна олинади. Намуна олишда идишларининг сифатига алохида эътибор қаратилади. Маҳсулотларни сифат бўйича қабул қилиб олиш тартиби ушбу йўриқноманинг иловасида кўрсатилган.

Намуна қуйидаги ҳолатларда олинади:

-темир йўл цистерналарида ёнилғи маҳсулотларини қабул қилишда (юклашда) – цистернадан тўқиб олишдан олдин (цистернага қуйишдан олдин);

-ёнилғи маҳсулотларини идишларда қабул қилинганда – омборга тушганига 24 соат бўлгунча;

-сақлаш вақтида – резервуарлардан ёки ёнилғи партиясидан таҳлил ўтказиш муддатлари кўрсатилган вақтларда;

-моддий техникаларда қўллаш вақтида – машиналар бакида сақлаш муддатлари кўрсатилган вақтларда.

Намуна олинганлиги тўғрисида далолатнома қуйидаги вақтларда тузилади;

- темир йўл транспорти орқали ёки ёнилғини идишларда партиясини билан қабул қилинганда;

- арбитраж намуналари олинганда;

- намуналарни бошқа лабораторияларга жўнатилганда;

- спирт ва маҳсус суюқликларни намунаси олинганда;

- майда ҳажмдаги идишларда сақланаётган мой ва суртки маҳсулотлари намунаси олинганда.

Намуна далолатномаси – қисм командири (ХЁТМ бошлиғи) буйруғи билан тайинланган ёнилғини қабул қилиш ҳайъати томонидан тузилади.

Намуна далолатномаси ҳарбий қисм лабораториясида ёки таъминотчи (истеъмолчи) омборида сақланади.

Арбитраж намуна далолатномаси нефть маҳсулотининг давлат стандарти талабларига мос келишини аниқлангунча ёки эътироз масалалари хал қилингунча истемолчида (таъминотчида) сақланади.

Намуна далолатномаси майда идишларда сақланаётган спирт, мой, суртки ва маҳсус суюқликларни рўйхатдан чиқаришга асос бўлади.

Намунани бошқа лабораторияга таҳлилга жўнатилишда у билан бирга намуна далолатномасида ёнилғининг қайси физика-химиявий кўрсаткичлари текширилиши кераклиги кўрсатилиб юборилади. Нотўғри тўлдирилган намуна далолатномаси таҳлилга қабул қилинмайди.

Таҳлил ўтказилганидан кейин намуна қолдиқлари ўрнатилган тартибда кирим китобига киритилади ва ҳарбий қисм ёнилғи омборига топширилади.

Лабораторияга келган намуналар уларни рўйхатга олиш журналига киритилади, таҳлил натижалари эса таҳлил натижалари журналига киритилади. Журналнинг охириги графаси олдида ёнилғининг сифатига хулоса берилади.

Ҳар бир маҳсулотнинг намунасига лаборатория томонидан сифат паспорти берилади.

Сифат паспорти (таҳлил) рақами намуналарни рўйхатга олиш журналининг тартиб рақами бўйича қўйилади.

Сифат паспорти маълум нефть маҳсулотининг барча сифат кўрсаткичлари тўлдирилган ҳолда берилади.

ҲЁТМ ва ҳарбий қисм лабораторияси томонидан берилган сифат паспортига охириги назорат таҳлили натижалари киритилади. Охириги назорат таҳлилида текширилмаган сифат кўрсаткичлари, таъминотчи сифат паспортида кўрсатилган натижалар киритиш йўли билан амалга оширилади.

ҲЁТМ лабораторияси томонидан берилган авиация техникаси ва танк мойлари учун сифат паспортларига мойни тайёрлаган корхона номи ҳам кўрсатилади.

Сифат паспортига намуна далолатномасида текширилиши кўрсатилган сифат кўрсаткичлари ва улар бўйича ҳақиқатдан ҳам ўтказилган таҳлил натижалари кўрсатилади.

Сифат паспорти лаборант ва лаборатория бошлиғи томонидан имзо қўйилиб гербли муҳр билан тасдиқланилади.

Химмотология маркази намуналарни қайд этиш журналида улар билан бирга юборилган хатнинг санаси ва рақами ҳам ёзиб қўйилади. ҲЁТМ сифат паспортларини тарқатиш журналига имзо остида амалга оширилади.

Ёнилғида ўтказилган тўлиқ таҳлил натижалари кўрсатилган сифат паспорти, ёнилғини давлат стандарти талабларига мос келишини тасдиқлайди ва ёнилғини моддий техникада қўллашга, уни сақлашга қўйишга ва ёнилғи омборидан жорий таъминотга тарқатишга асос бўлиб хизмат қилади.

Моддий техникаларнинг совутиш ва мойлаш тизимидан тўкилган мой ва махсус суюқликлар намунаси лабораторияда таҳлил қилинганидан кейин уларнинг давлат стандарти ва техник шартлари талабларига мос келиши тўғрисида сифат паспорти хулосасиз берилади.

Бундай ҳолатларда маҳсулотлар таркибида сув ва механик зарралар йўқлиги тўғрисида ёзиб қўйилади. Техник воситаларнинг тизимидаги мой ва суюқликлардан фойдаланиш тўғрисидаги қарор улардан фойдаланаётган маъсул шахс томонидан қабул қилинади.

Лабораториялар амалдаги давлат стандартларига киритилган ўзгаришлар ва тахлилларни ўтказиш бўйича синов усуллари билан тўлиқ таъминланган бўлишлари керак..

Намунани ўтказиш бўйича тахлиллар давлат стандартлари ва техник шартларда кўрсатилган синов усуллари талабларига асосан ўтказилади.

Лаборатория бошлиғи приборларнинг созлиги, тахлилларнинг давлат стандарти синов усуллари талабларига мос келиши ва тўғри ўтказилганлиги учун жавоб беради. Ҳарбий қисмда эса ёқилғи хизмати бошлиғи ва унинг ёрдамчиси жавоб беради.

Ёнилғини тўлиқ тахлили намуна келиб тушган вақтидан бошлаб 10 кундан ошмаган муддатда, назорат тахлили эса 3 кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилиши керак.

Тахлилнинг ҳамма ёзув ҳисоблари лаборантнинг журналида қайд этилиши керак. Уларнинг алоҳида варақларга ёзиш маън этилади.

Ёнилғини тахлил қилиш вақтида фойдаланиладиган барча асбоб ва ускуналар йўриқномада кўрсатилган муддатларда текширувдан ўтказилиши керак.

Уларнинг ўз вақтида текширувдан ўтишини назорат қилиш учун ушбу йўриқномада кўрсатилган журналга юритилади. Юқоридаги текширувларни ташкиллаштириш учун жавобгар шахс ҳарбий қисм командирининг бўйруғига асосан тайинланади.

Икки лаборатория орасида ёнилғини сифатини аниқлаш бўйича туғилган муаммони, учинчи лабораторияда ёқилғи маҳсулотлари таъминоти бўлими топшириғига асосан хал қилинади.

Лаборатория ишлари ойлик режага асосан олиб борилади. Тахлил ўтказиш шартли равишда ҳисоби олинади. Лаборатория ишлари тўғрисидаги ҳисобот бир йилда бир марта Маълумотлар табелига асосан тақдим этилади.

***Ёқилғини сақлашда, юклаш, қабул қилишда,
тарқатишда ёқилғи сифатини назорат қилиш.
Ёқилғи намунасини олиш.***

ҲЁТМда (омборларда) ёнилғиларнинг сифати ҳайъат аъзолари текширилиб қабул қилинади.

Темир йўл цистернасини ёнилғи кўюишга қуйишдан олдин лаборатория бошлиғи (лаборант) утқазади:

келган ёнилғини туқиш учун мулжалланган резирвуарни сифатли тозаланганлиги талабга жавоб беришини.



ҲЁТМга (омборларга) темир йўл цистернаси (вагон) келиши билан лаборатория бошлиғи (лаборант):

келган ёнилғининг паспорти курсаткичларини ДСт (ТШ) талаблари билан таққослайди;

ёнилғи билан келган идишларнинг белгиларини, хужжатдаги белгиларни ортилган махсулот экалигини идишни бутунлигини;

хар бир цистернадан энг тагидан намуна олиб ёнилғини таркибида механик бирикмалар ва сув борлигини текширади;

тукишдан олдин цистернадан намуна олинади;

ёнилғни назорат тахлили кўрсаткичлар бўйича тахлил утказди ва тахлил китобига курсаткичларини ёзиб қуяди (резервуарни шахсий ҳисоби қайсига ёнилғи тукилган бўлса);

лаборатория тахлилинини курсаткичи билан юборилган паспорт ДСт (ТШ) талаби билан таққослайди .

Бундан ташқари ёнилғи темир йўлда келганда:

цистерна (вагон)да келганда тамғанинг бутунлиги борлигини, пастки ускунасининг тозаллигини;

цистернани қапқоқни тагига осиб қуйилган паспортни олиб (вагондаги);

темир йўл цистернаси (вагон) ни номерини темир йўл юк хати ва паспортда курсатилгани билан солиштириб куради

паспортни туғри ва тулиқ тулдирилганлигини, цистернанинг қопқоғини тагидаги паспортни ва юк хатига ёпиштирилган паспортни олади.

Ёнилғи паспортсиз ёки паспортида ҳамма курсаткичи тулдирилмаган булса темир йўл цистернасида сув,механик бирикма, латта ёки савун нефтунли кислотаси, қабул қилувчи хаъат аъзолари далолатнома қилиб уни ёнилғи юборган жойга юборишади жавобгарликка тортиилиши учун ДСт (ТШ) талабларида Йўриқноманинг иловасида кўрсатилгандек.

Ёнилғи паспортсиз ёки паспортида ҳамма курсаткичи сифати ҳақида тулдирилмаган булса у холда алоҳида резервуарга тукилади, ёнилғини сифати ҳақида ҳамма маълумотлар булгандан сунг уни сарфлашга рухсат этилади.

Паспортлар юк юборувчи томондан (ташиш хужжатлари билан олинган),биттадан нусхаси ҲЁТМ (ҳарбий қисм) лабораториясида алоҳида жилдда сақланади ёнилғи тулиқ сарф булмагунча. Паспортларда цистернанинг ташиш номери ва қайси резервуарга ёки омборхонага туширилганлиги жойлаштирилгани. Резервуар (омбор)ни номери қайрга тукилган ёнилғи шунингдек ёнилғини қабул қилувчи далолатномасида ҳам курсатилади. Ёнилғини паспортида курсатилган физик-химик курсаткичлари ёнилғини сифатини ҳисобга олувчи (тахлил китоби) китобига ёзиб қуяди.

Ёнилғи тулиқ тахлилинини қайси ҳолларда ўтқазилиши лозим:

Цистернада тамға бўлмаса ёки тамғаси бузилган бўлса ва тамға ўрта станцияларда қуйилган бўлса; цистерна номери хужжатда кўрсатилган билан тўғри келмаса; мой суртки махсулотларининг идишлари бузилса ёки

заводдан чиққан қадоғи бузилганда; ёнилғи жўнатувининг паспорти бўлмаса; назорат тахлили кўрсаткичи жўнатувчининг паспорт кўрсаткичидан фарқи бўлса, ДСт (ТШ) талабларига ҳеч бўлмаса битта кўрсаткичи тўғри келмаса; битта ёки бир нечта сифат кўрсаткичлари (механик аралашма ва сувдан ташқари) жўнатувчи паспортдан фарқи бўлса (ДСт кўрсаткичлари юқори бўлганда); келган ёнилғининг кўрсаткичлари ҳаммаси паспортда ёзилмаган бўлса. Баъзи ёнилғининг тукилгунча сифатини аниқлай олмаган ҳолларда, ёнилғини алоҳида резервуарга тукилади.

ХЁТМ (омбор)да ёнилғи тукиш учун резервуарлар етишмаса бу ҳақида ЁТБББга билдирги беради ва унинг Йўриқномасни бажаради. Ёнилғини паспорти олингандан сўнг уни сарфлашга рухсат этилади.

Ёнилғини ХЁТМ (омбор) ларга берилган ёнилғилар гуруҳларга бўлиниб номерлар берилади, бу ёнилғининг сифатини ҳисоботини олиб бориш учун керак, шунингдек уларга белги қўйишади. Агар ёнилғи бир вақтнинг ўзида қўйилса ва сифат кўрсаткичлари битта ҳужжатда кўрсатилса - гуруҳ ҳисобланади.

Базаларда, ёнилғини бир темир йул цистернадан бошқасига ҳайдаб берилганда ёнилғи солинган цистернадан назорат тахлили ўтказилади. Бушатилаётган цистернадан олинган намуна арбитраж тахлили учун сақлаб қўйилади. Ёнилғини паспортда ҳамма кўрсаткичлари тўлдирилиши керак Йўриқноманинг 20-бандида кўрсатилган бўйича. Паспортда бундан ташқари ёнилғини жўнатувчини ҳам кўрсатади.

Ёнилғини сақлашда сифатини текшириш

Ёнилғини ҳар гуруҳи ва нави алоҳида уни учун мулжалланган резервуарларда сақланади ёки идишларда хавони босими ва чангдан сақлаш жойларида. Битта гуруҳ резервуарларида аваиция ёнилғиси, баланд октанли бензин ва дизел ёнилғисини сақлаш қатъян ман этилади. Ёнилғи идишларда (бочкада, бидонда, барабанда,бутилкада) токчаларда қопқоғини тепага қаратилган ҳолда куёш нури тушмайдиған ва таъсир этмайдиған жойларда сақланади. Ёнилғини сақлашда резервуарларни ёпилишига сув ва механик бирикма йуклигига эътибор қаратилади. Сув ва механик бирикма резервуарнинг тагида йуклигини ёнилғини қолдиғини олаётганда билади, текширилганлиги ҳақида ўлчаш далолатномасида курсатилади ёки ёнилғини таркибида сув ва механик аралашмаларни текшириш китобида ёзилади. Резервуарда сув борлигини билишимиз учун метрштокни пастки қисмига сув сезувчи пастаси суртилиб резервуарни ичига тушурилади, механик бирикмани текшириш учун ёнилғи шаффоф идишга солиниб кўз билан қаралади. Ёнилғи билан тулдирилган жорий таъминотдаги резервуарлар ва контейнерлар бир йилда бир марта тозаланади, шунингдек резервуарни нотозалигини курганда. Тозалаш утқазганлиги ҳақида далолатнома қилинади ва резервуар тозалаш китобида ёзилади.

Битта резервуардан иккинчи резервуарга ёнилғи ҳайдалганда тахлил китобига ёзилади. Битта резервуардан бошқа резервуарга ёнилғи ҳайдашдан

олдин тозалиги ва бир хил турдаги ёнилғи солинганлигига амин бўлгандан сунг, тахлил паспортига янги резервуарни номири курсатилади. Ёнилғини ҳайдагандан қолган қолдиғини паспортида ёзилган курсаткичлар физик-химик сифат курсаткичларини миқдордан ошмаганлигини куриш лозим. Ёнилғининг сифатини бузилмаслиги учун уларни лаборатория тахлилидан утқазиб турилади муддати ва тахлил курсаткичлари. Идишдаги ёнилғини сифатини текширганда гурухига ва ишлаб чиқилган санасига қаралади.

ҲЁТМ (омбор)да лаборатория тахлили учун фақат спирт, махсус суюқликлар шунингдек кичик идишларда сақланаётган мойлардан намуна далолатномаси қилинади.

Сақланаётган ёнилғини тахлилни утқазётганда уларнинг курсаткичлари ДСт (ТШ) талабларига жавоб берса тахлилни бошқа лабораторияда текшириш шарт эмас.

Ёнилғи билан тулдирилган резервуарлардан йиллик режага асосан гурухлардан намуналар олиниб текширилади (Йўриқноманинг 8-иловасида кўрсатилгандек) лаборатория бошлиғи (лаборант) ҲЁТМда ёниғи сақлаш булими бошлиғи билан бирга режани ишлаб чиқиб ҲЁТМ бошлиғи тамондан тасдиқланади. Йиллик режага захирада турган ва жорий таъминотида бир йилдан ортиқ (авиация ва автомобиль бензинлар, реактив двигател ёнилғиси-олти ойдан баланд). Бу режага асосан ойлик режани ҳам ишлаб чиқади.

Ёнилғининг сифатини ҳисоботини тахлил китоби бўйича (Йўриқноманинг 13-иловасида кўрсатилгандек) унда хар бир резервуар учун бир варақ ёки бир неча варақ битта резервуарга ажратилган булиши мумкин. Китобга паспортдаги ҳамма курсаткичларни ёзиб қуяди. Китобда ҳамма бушаган резервуарларни ҳисоби ҳам юритилади.

Ёнилғини ортишда ва тарқатишда сифатига қўйилган талаблар

ҲЁТМ (омбор) да сақланаётган ёнилғиларни ўз вақтида алмаштирилади унда биринчи булиб ёнилғини сифат курсаткичлари пасайган булса қачон таёрлангандан қатъий назар, шунингдек ёнилғини сифат курсаткичи яқинлашаётган булса. Ёнилғини паспортида ҳамма физик-химик курсаткичлари тулиқ ёзилиши шарт.

Захирадан чиқарилган ёнилғини тарқатилаётганда (ортилаётганда) сифат курсаткичлари миқдоридан ошмасдан тарқатилади паспортига “Захирага сақлашга қўйилмасин” деган ёзув билан тарқатилади.

ҲЁТМ (омбор) дан ёнилғи ортилиши (тарқатилиши) мумкин тулиқ тахлил утказилгандан сунг ДСт (ТШ) талабларига жавоб берса авиация ва автомобиль бензинлари, реактив двигателлар учун ёнилғи, яхлатгич суюқликлар”40”ва”65” этилинглик, суюқлик “И”, ”ТГФ”(“ТГФ-М”) олти ойдан ошмасдан қолган маҳсулотлар ўн икки ойдан ошмасдан ёнилғи ортилиши (тарқатилиши)дан олдин. Бундан ташқари темир йул цистернасига назорат тахлили ун кундан ошмасдан утқазилиб цистернага солишга рухсат этилади агар лаборатория тахлилидан курсаткичлари яхши чиққанда.

Резервуардан (идишдан) ёнилғи тарқатадиган куни таг намуналари олиниб таркибида сув ва механик аралашмалар бор йуклиги текширилади.

Товар-транспорт юк хатини нефт маҳсулотига беришдан олдин лаборатория ишчиси томонидан намуна олиниб ундан ҳажмини ва хароратини текшириб курсаткичларни паспортига ва таҳлил китобига ёзиб қўяди (ТТН).

Темир йул цистернасига шунингдек ҳарбий қисмдан келган ёнилғи тарқатувчиларнинг цистернасини ички томони, қувурлар ва идишларни текшириб булгандан сунг лаборатория бошлиғи ёнилғини солишга рухсат беради ва юк хатига “идиш текширилди ёнилғи қуйишга рухсат бераман Лаборатория бошлиғи..... имзоси”. Ёнилғини яхши тозаланмаган идишга солишга тозаланмаган булса ёнилғи қуйиш ман этилади.

Темир йул цистернасига автомобиль ёнилғи тарқаткичи (автоцистерна)да ёнилғини сифат курсаткичлари бузилмаслиги учун, ва табиий йуқолишни олдини олиш учун цистернага чанг ҳаво босими ёғинлари тушмаслиги учун цистерна қопқоқлари ёнилғи жўнатувчи томонидан тамғаланади.

Темир йул цистернасини ёнилғи солингандан сунг уедан номуна олинади. Олинган намунани иккига булади уни биттасини назорат таҳлили учун, бошқасини муҳирланган ҳолда арбитраж таҳлили учун сақлаб қўйилади. Намуна олишда далолатнома қилинади.

Темир йул цистернасидан ёнилғини баландлигини улчаганда бир вақтда унинг таркибида сув борлигини сув сезгич паста билан ёки қоғози билан текшириб курилади. Назорат таҳлили цистернани юборишдан олдин текширилади.

Темир йул цистернасини паспортини асосан тулдирилади. Паспорт темир йул юк хати билан бирга қушиб берилади. Цистерна қопқоғи тагида эски паспорти қолган булса олиб ташланади.

Ҳарбий қисмга ёнилғи беришда қабул қилувчига ёнилғи паспорти ҳам берилади Йўриқноманинг 20, 87-бандилари талабларига асосан мос равишда тўлдирилган.

Баъзи бир ҳолатларда жорий таъминот учун ёнилғини берилганда қабул қилувчи билан келишилган ҳолда паспорт ўрнига юк хатига (белги қўйилади) “Стандарт маҳсулот ” штамп ўриб берилади.

Ҳарбий қисмларда ёнилғи сифатини назорат қилиш тартиби

Ҳарбий техникаларни зарур шароитларда ишончли ва ҳалокатсиз фойдаланишда ёнилғини техник ва тежамкорлик асосида қўллаш ягона шартлардан биридир.

ЎР МВ ёнилғи таъминоти бош бошқармаси ва буюртма берувчи бошқарма бошлиғи билан биргаликда баъзи ҳолларда (шу жумладан чет элда ишлаб чиқарилган) заҳира таъминотдаги ёнилғиларни қўлланишига рухсат беради.

Баъзи ҳолларда, ёнилғи ва мойларни бир неча турларидан (баъзи алиштириш турлари) ёнилғи ва мойларни аралаштиришга рухсат берилган ҳолларда йўриқномалар асосида амалга оширилади.

Ёнилғини янги турлари ишлаб чиқарилганда ишлатилаётган эски турдаги ёнилғилар охиригача сарфланади агар янги ёнилғи таъминоти бўйича топшириқ берилмагунча сарфлаш ман этилади.

Ёнилғи олдинги амалдаги стандарт ёки техник шарт бўйича ҳарбий қисмлардаги мавжуд бўлган ёки қабул қилинган сақланаётган ёнилғи захираларга ЎР МВ ёнилғи таъминоти бош бошқармаси ва буюртма берувчи бошқарма бошлиқлари билан биргаликда ёнилғини ишлатишни ман этмагунча мақсадга мофиқ охиригача сарф қилинади.

Қўлланилаётган ёнилғиларимиз давлат стандарти ёки техник шартлари талабларига мос келиши шарт. Баъзи ҳолларда (авиация ёнилғиларидан ташқари) жорий эҳтиёж учун ёнилғини сифати ўзгарган ҳолларда ҳам белгиланган меъёردа қўллашга рухсат этилади.

Ёнилғининг сифати давлат стандарти ёки техник шарт талабларидан қисман чиққанда сифати қайта тикланади.

Мой таркибида механик арлашма ва сувларни бор ёки йўқлиги аниқланади.

Зирхли танклар ва автомобиль техникаларнинг ёқилғи бакида узоқ муддатга сақлаш учун қуйилган дизель ёқилғиларини бақдан бир йилда бир марта тўкиб олиниб, механик аралашма ва сувдан тўлиқ тозаланади.

Белгиланган тартибда зирхли танкларни узоқ муддатга сақлашга қуйишда жангавор зирхли танклар ва саф гуруҳидаги машиналар ёқилғи бакига, агрегат қисмларидаги қуйилган ёқилғи, мой, суртки ва махсус суюқликларни алмаштириш муддати етиб келганда алмаштирилади. Агар текширилганда ёқилғи, мой, суртки ва махсус суюқликлар таркибида механик аралашмалар ва сув аниқланганда тезда алмаштирилади.

Дизель ёқилғисида назорат тахлили узоқ муддатга сақлашга қуйилган машиналар бакидан олинган намуналарда ўтказилади, баъзи ҳолларда, агар ёқилғи механик аралашма ёки чуқма билан ифлосланганлиги аниқланганда ёқилғи тўкиб олиниб тиндирилади.

Узоқ муддатга сақлашга қуйилган машиналар бакидаги бошқа барча ёнилғи навлари таҳлил учун лабораторияга берилмайди. Таҳлилда ёнилғи таркибидаги механик аралашмалар ва сув бор ёки йўқлиги текширилади. Агар тоза бўлса, мўлжалланганлиги бўйича сарфлашга рухсат берилади.

Узоқ муддатга сақлаш ёнилғиларни кафолат муддат тўтагандан кейин уларни алмаштиришга асос бўлиб хизмат қилмайди (авиация нефть маҳсулотларидан ташқари). Ёнилғилар алмаштирилади қачонки, Химмотология марказидан берилган лаборатория таҳлилига кўра ёнилғиларнинг сифат кўрсаткичлари ДСт ёки ТШ талабларидан чиқиб кетганда алмаштирилади.

Кафолат муддати туганлигига эмас, балки ёнилғини сифатига қараб қўллаш масаласини ечишга эътибор қаратилади.

Мой, суртки ва махсус суюқликлар пайвандланган ёки бошқа зич ўралган идишларда (бидонлар, банклар, бутилкаларда) келганда уларни сақлаш ва фойдаланиш учун тарқатишда заводдан олиб келинганлиги бўйича тахлил ўтказмасдан қўллашга берилади. Маҳсулотларни кўрсатилган муддати тўтагунча сифати тўлиқ тахлилдан ўтказилиб қўланилишига рухсат берилади.

Мой, суртки ва махсус суюқликлар зич ёпилган идишлари очилганлари биринчи навбатда тарқатилади. Тарқатишдан олдин механик аралашма ёки сув таркиби сифатли текширилади.

Ҳарбий қисмларда каби ёнилғини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда (юклашда) сифатини назорат тахлили ХЎТМдаги олиб борилади.

Жорий таъминот учун қабул қилинаётган моддий воситалар, яъни барча ёнилғи навларининг паспортида унинг сифати давлат синдартларига мос келиши ҳақида “стандарт маҳсулот” белги бўлиши шарт.

Темир йўл цистерналари(вагонлар)да келган ёнилғини резервуарларга қуйилган ёнилғилардан назорат тахлили учун ёнилғи намунаси олиниб тахлил қилингандан сўнг таъминотчини паспортида кўрсатилган сифат кўрсаткичлари бўйича ДСт(ТШ) талабларига мос келганда қўллашга рухсат этилади.

ХЎТМ (ёнилғи омбои) (нефтбазалари)дан ҳарбий қисмларга паспорти билан ташиб келтирилган ёнилғиларни тахлил ўтказмасдан қўллашга рухсат этилади.

Темир йўл цистерналари(вагонлар)да келтирилган ёнилғи бўшатилган тоза резервуарга тўкилгандан сўнг бир суткадан кечиктирмасдан назорат тахлил учун намуна олиш шарт.

Жорий таъминот ва узоқ муддатга сақланаётган ёнилғилар текширув ҳажми ва муддати Йўриқномани иловасига асосан ўтказилади.

Реактив двигателлар учун ёқилғиларда назорат тахлили ҳарбий қисм жорий таъминотидаги сақланаётган ёқилғиларда уч ойда бир марта текширилади. Самолётларга ёқилғини ҳайдаб беришда берилган паспортлари (назорат талонлари) учун бу муддат ҳақиқийдир.

Самолёт бакларига тўкилган ёки ёқилғи қуйювчи автомобиллардан тўкилган ёқилғи назорат тахлилидан ўтгандан сўнг қўллашга рухсат этилади.

Ёнилғини узоқ муддатга сақлашга қуйиш ёки узоқ муддатга сақланаётган машиналарга ёнилғи қуйиш учун заводдан чиққанига автомобиль бензинлари учун олти ойдан ошмаган ва дизель ёқилғиси учун бир йилдан ошмаганда фойдаланиш мумкин.

Ёнилғини узоқ муддатга сақлашга қуйиш ёки узоқ муддатга сақланаётган машиналарга ёнилғи қуйиш учун Йўриқномани талабларга мос равишда тўлдирилган паспорти асос бўлади.

ХЎТМдан ҳарбий қисмларга келтирилган ёнилғилар узоқ муддатга қўйилиши учун паспорти асос бўлади.

Узоқ муддатга сақлашга қўйилган ёнилғи паспорти лабораторияда алоҳида жилдда сақланади, паспорт нусхаси резервуарларнинг қопқоғи

тагида полетилен плёнкада солиб қўйилади (сақлаш омборларида нефть маҳсулотларининг ёрлиғи махсус тахталарга осиб қўйилади).

Узоқ муддатга сақлашга қўйилган ёнилғиларни янгилашиши ва сарфланиши агар паспорт сақлаш муддати тугамаган бўлса, лаборатория тахлилсиз тўғридан тўғри қўлашга рухсат этилади.

Ёнилғидан намуна олиниши ва олиб борилиши намуна олиниши бўйича умумий кўрсатма

Намуналарни олишда иш тартибида кўрсатилган бўйича ёнилғини турини аниқлаш мақсадида сақланаётган резерварлардан олинади. Намуналар олиш тартиби бўзилса ёнилғини сифати ҳам нотўғри чиқади.

Нефть маҳсулотларидан намуналар унинг сифатини аниқлаш давлат стандарти ва техник шартлари бўйича олинади

Агар бир хил кўрсаткичларини қайтадан текширмоқчи бўлса, намуналар нефть маҳсулотларидан кераклича тахлил учун олинади

Намуналар кўрсаткичи бўйича бўлинади: шахсий, ўртача ва назорат.

Шахсий намуна – намуна олиш бир марта қабул вақтида нефть маҳсулотларини сифатини битта жойдан (бочкалар, бидонлар ва бошқалар) ёки кўрсатилган жойдан олинади.

Ўртача намуна олиш - бир нечта шахсий намуналар резервуарларни ҳар хил сатҳидан ёки шахсий намуналарни нефть маҳсулотларни ортилган гуруҳидан олинади.

Цилиндрсимон, тик ва тўғри бурчакли резервуарлардан энг қўлай намуна олиш нефть маҳсулотларини қатламидан ўртача намуна олишдир, барча чиқинди нефть маҳсулотлари бўйича эса юза қатламидан олинади.

Қувурлардан ўртача намуна олишда доимий оқар жойидан ёки вақтлари оралиғида оқиш орқали олинади.

Пастки қатламдан (тубидан) намуна олиш – бу намуна олиш ўзининг махсус намуна олгич ускунасида олинади. Яъни, резервуарнинг тубидан 250 мм баландликдан олинади. Назорат намуна олиш – бу шахсий ва ўрта намуналар аралашмасинидан тахлил учун олинган ўртача намунадир. Назорат намуна арбитраж тахлил учун сақланади.

Намуна олгич ускуналар тоза жойлардан сақланиши шарт. Уларни ишлатишдан олдин нефть маҳсулотлари билан ювиб ташлаш зарур. Агар мазсимон нефть маҳсулотлари бўлса, унда автомобиль бензини билан ювиб ташланади ва қуритилади.

Ортилган нефть маҳсулотларидан намуна олгич, найча, тумтиқ ускуналар билан намуналар олинади, олинган барча намуналар ўртача намуна учун мўлжаллангандир. Намуна олиш ва сақлаш учун ускуналар ишлатилган сўнг жиҳозлар ювувчи моддалар ёки бензин билан ювиб ташланади, қуритилади ва ёпиқ атмосфера ёғинлари тушмайдиган жойга қўйилади.

Сууюк нефть махсулотлари намунаси зич ёпиқ идишларда сақланади ва ташилади.

Агар сууюк нефть масулотлари ҳажмини лабораторияда ўлчасак, унинг хароратини ҳам шу вақтни ўзида ўлчаш лозим. Намуна олгични кўрсатилган жойгача туширилганда уни 5 дақиқа мабойнида нефть махсулотлари ичида тўтиб тўриб, ундан кейин чиқариб олиш лозим.

Намуна олгични мўлжалланган жойгача ёпиқ ҳолда тўшириб, сўнг очиб тўлдирилади.

Намунани бир неча сатҳдан оладиган бўлсак, юқори қисмдан пастга қисмга қараб йўналтирилиб олинади.

Агар ёнилғини сифатини энг қўйи тубидан текширишга намуна олиб кўрилади, у ўртача намунага қўшилмасдан текширилади.

Кичик идишлардан намуна олишда атмосфера ёғинлари, чангларидан ҳоли бўлган ёпиқ жойда намуна олинади. Идишларни оғзини очиш олдидан атрофлари тозаланади.

Кавшарланган бидонлар, банкалар, сиқма идишлардаги нефть махсулотларидан намуна олишда ишлаб чиқариш жойида қуйиб бекитишдан олдин олинади. Нефть махсулотларини зич ёпилган идишларда сақлаш жараёни бўзилганда ва сақлаш муддати ўтганда тахлил ўтказиш учун намуна олинади.

Этилланган бензинлардан намуна олишда хавфсизлик техника қоидаларига амал қилган ҳолда захарли махсус сууюқликлар.

Нефть махсулотларидан намуна олиш услублари, йўриқномадан кўрсатилмаган бўлса, улар ДСт ва техник шартларда кўрсатилган бўлади.

Резервуарлардан намуна олиш

Резервуардан намуна олишдан олдин нефть махсулотларини беришга тайёрланиши лозим. Бунинг учун нефть махсулотини тингунича кутади.

Тингандан сўнг резервуар тубидаги сув олинади.

Нефть махсулотларининг сифатини тавсифлаш учун тик резервуарларда сақланаётган ёнилғилардан турғун намуна олгичда ўртача намуна олинади. Резервуарнинг туб қисмидан 250 мм юқоридан олиниб, уни ўртача намуна қилишда кўрсатилган сатҳлардан намуналар олинади.

Кўчма намуна олгичларда нефть махсулотларидан намуна олишда тик *цилиндрсимон резервуарларда* учта сатҳдан ДСт бўйича намуна олинади:

- а) юқори сатҳ – нефть махсулотларининг юза қатламининг 250 мм пастидан;
- б) ўрта сатҳ — қатламнинг ўрта сатҳидан;
- в) қуйи сатҳ – резервуар тубининг 250 мм юқори сатҳдан.

Резервуардан қабул тарқатув найи пастки сатҳида жойлашагн бўлса, унда ҳам резервуар тубининг 250 мм юқорисидан олинади.


Юқори, ўрта ва қуйи қисмлардан олинган намуналар 1:3:1 нисбатда аралаштирилиб, идишларга солинади ва оғзи зич ёпилади.

Нефть маҳсулотларидан кўчма намуна олгичларда намуна олишда тик цилиндрсимон резервуарлардан нефть маҳсулотларининг баландлиги 1000 дан 2000 мм гача баландликда ($1000 < H < 2000$) намуна икки нуқтадан, яъни, тинганда резервуар тубининг 250 мм юқорисидан ва баландлигининг ўрта сатҳидан 1:3 нисбатда (1 та 250 мм пастидан ва 3 та ўрта қисмидан) аралаштирилиб олиниб, намуналар идишларга солинади. Агар 1000 мм дан баландлиги паст бўлган ҳолда битта нуқтадан резервуар тубининг 250 мм юқори сатҳидан намуна олинади.

Босим остида сақланаётган резервуарлар ва жорий таъминот резервуарлардаги нефть маҳсулотларидан намуна олишда махсус намуна олгичлар ёрдамида 13196-67 ДСт бўйича намуналар олинади.

Ёнбош резервуарларда сақланаётган диаметри 2500 ммдан юқори нефть маҳсулотларидан намуна олишда намуналар учта сатҳдан олинади:

- а) юқори сатҳ – нефть маҳсулотларининг юза қатламининг 200 мм пастидан;
- б) ўрта сатҳ — қатламнинг ўрта сатҳидан;
- в) қуйи сатҳ – резервуар тубининг 250 мм юқори сатҳдан.



Юқори, ўрта ва қуйи қисмлардан олинган намуналар 1:6:1 нисбатда аралаштирилиб, идишларга солинади ва оғзи зич ёпилади.

Ёнбош резервуарларда сақланаётган диаметри 2500 ммдан паст, шунингдек, ёнбош резервуарларда сақланаётган диаметри 2500 ммдан юқори, ярим ва яримигача тулдирилган резервуарлардаги нефть маҳсулотларидан намуна олишда икки сатҳдан – ўртадан ва тубининг 250 мм юқорисидан намуна олинади. Ўртача намуна тайёрлаш учун ўрта сатҳидан учта намуна ва тубидан битта намуна олинади.

Ёнбош резервуарларда сақланаётган диаметри 500 ммдан паст нефть маҳсулотларидан намуна олишда битта сатҳдан, ўртача сатҳидан ёки тубининг 250 мм юқори сатҳидан намуна олинади.

Юқори қовушқоқли таркибидан сув чиқарилаган нефть маҳсулотларини тавсифлаш учун ДСТ талаблари бўйича буюртмачи ва қабул қилувчи келишилган ҳолда резервуарлардан намуналар ҳар 500 мм ёки 1000 мм

баландликда бўлган нефть маҳсулотларидан олинади. Олинган нефть маҳсулотлари намуналаридан ўртача намуна олинади. Намуналар олиш тартиби Йўриқноманинг талабига асосан амалга оширилади.

Резина **мотоли**
резервуарлардаги нефть
маҳсулотларидан намуна олишда
резервуарнинг асосига асосан 40-
50 мм сатҳикдан намуна
олинади. Бунинг учун
резервуарнинг ҳаво найчаси
орқали шиша найча тортиб олиш
шланги билан резервуарнинг
тубигага туширилиб, кейин 40-
50 мм кўтарилиб қўл бармоғи
билан ёпилиб тортиб чиқариб
олинади ва олинган намуна
идишга солинади.



Темир йўл ва автомобиль цистерналаридан намуна олиш

Нефть маҳсулотларини
автомобиль ва темир йўл
цестернасидан сифатини текшириш
учун битта намуна (нуктадан) 1/3
диаметрдан цистернанинг тубидан
олинади



Қабул килувчининг ҳоҳиши билан цистернанинг тубидан намуна олиниб алоҳида сифатини текшириб кўриш мумкин.

Цистернадаги нефть маҳсулотининг ҳисобини чиқариш учун намуна олгични цистернанинг ичига тушириб, унинг 1/3 диаметрига намуна олгични тушуриб 5дақиқа мобайнида ушлаб тўриб сўнг чиқариб ичидаги намунани цистернага қайта тўкиб яна намуна олгични шу жойгача тушириб тўлдириб олиб чиқиб ёнилғининг ҳажми ҳароратини ўлчаймиз.

Нефть маҳсулотини темир йўл орқали юборилганида ўртача битта намуна олинади. Намуналар олиш тартиби Йўриқноманинг 129-бандига асосан ҳар тўртинчи цестернадан маршрут бўйича олиниб амалга оширилади. Ёнилғи қўйилган биринчи цестернани ҳисобламасак ҳар иккинчисидан намуна олинади.

Нефть маҳсулотини махсус оливчиларга ҳар бир цистернадан ўртача намуна олинади. Нефть маҳсулотининг фақат махсус бўлинмаларга тегишлиларига таъаулиқлидир.

Машина бакларидан намуна олиш

Нефть маҳсулотлари сифатини тавсифлашда машина бакларига солинган ёнилғилардан намуна олишда ҳар бир машина бакидан олинади. Машиналарда бир неча баклар мавжуд бўлса, ҳар бир бакдан олинган намуналар бирлаштирилиб ўрта намуна тайёрланади. Бакларнинг тузилиши ва жойлашувига боғлиқ ҳолда тиндиргичда тиндирилгандан сўнг ёки бакнинг ёнилғи солинадиган оғзидан шиша найча ёрдамида намуна олинади.

Айрим ҳолларда муҳадиснинг талабига асосан бакнинг тагидан, тиндирилган намуна, чуқмадан (тозалагичдан, сепратордан) ва бошқа турдаги намуналар олинishi мумкин.

Бундай ҳолларда далолатномада қаердан, қандай услуб билан намуна олинганлиги ва нима учун таҳлил ўтказиш сабаблари ёзилади.

Ерга тукилган нефть маҳсулотларини (авария ва бошқа турдаги ҳолатларда) йиғиштиришда нефть маҳсулотларини яроқлилик сифатини аниқлаш мақсадида топширишга рухсат этилмайди, бундай ҳолатдан илмий тадқиқот учун таҳлил қилиш мустоснодир.

Кичик идишлардан намуна олиш

Нефть маҳсулотлари сифатини таҳлиллашда кичик идишлар бочкалар, бидонлар, бутилкалар, банкалар, махсус юмшоқ идишлардан ўртача намуна олиш учун кўрсатилган ҳар хил қисмларидан намуналар олинади.



Бочкалардан намуна олишдан аввал унинг ичи маҳсулотнинг бемалол аралаштириш учун бўшлиқнинг етарли эканлиги текшириб кўрилади. Бочкаларнинг ичидаги маҳсулотини аралаштириш уни қопқоғини маҳкам ёпиб, ёнбош ҳолда ётқизиблиб олди ва орқага айланттириш йўли билан амалга оширилади. Бидонлар, банкалар ва бошқа идишлар силтаб-чайқаш йўли билан амалга оширилади.

Идишдан нефть маҳсулотини намунасини олиш учун уч томони қисилган трубка маҳсулотнинг ичига туширилади ва трубканинг тепа қисми бармоқ билан ёпиб махсус идишга тўкилади ва унда аралаштирилади.

Кичик идишлардаги сурткисимон нефть маҳсулотларини сифатини текшириш учун улар сақланаётган бочка, бидон, банка ва тубиклардан

олинган тенг қисмли намунасидадан ўртача намуна тузилади ва таҳлил қилинади.

Ўртача намуна тузиш учун намуналар сони 2-жадвалда кўрсатилган

Бурама винт кўринишидаги шуп билан намуна олишда, шупни айлантриш йўли билан маҳсулот сақланаётган идишнинг таг қисмигача бураб туширилади ва унга ёпишиб қолган маҳсулотни куракча ёрдамида олинади.

Намуна олиш жойидаги маҳсулотнинг тепа қисмидан 5 мм қалинликдаги маҳсулот олиб ташланади ва шупнинг тепа қисмидаги 5 мм маҳсулот ўртача намунага қўшилмайди.

Олинган намуналар алоҳида идишга солиниб эритмасдан аралаштирилади.

Хулоса: қўшинларда ёқилғи ва мойлаш маҳсулотларни сифатини назоратини таъминлаш ҳарбий техникалардан узоқ муддат давомида, соз ва халокатсиз фойдаланишни таъминлаб берувчи асосий омил ҳисобланиб қолаверади. Ёқилғини сифатсиз ҳолга келишини олдини олиш ундан узоқ муддат ва самарали фойдаланишни, қўшинлар таъминотини ўз вақтида ва сифатли таъминлашни таъминлаб беради. Қўшинларни сифатли маҳсулотлар билан таъминланиши бўлинмаларнинг жанговор шайлигини таъминлайди.